

2. Маҳсулотни тижорат кредити шартлари асосида сотишдан келиб тушган даромадни баҳолаш тартиби. Монопол корхоналарда маҳсулот сотиш бўйича харидорларга тижорат кредити бериш, жумладан маҳсулот қийматини тўлашнинг бўнак, олдиндан тўлов, тўлов муддатини кечиктириш ва узайтириш усуллари кенг тарқалди.

Бизнинг фикримизча, “Даромад – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижасида активларни кўпайиши билан мажбуриятларни камайиши бўлиб, у активларни сотилиши ёки хизматлар кўрсатилиши даврида намоён бўлади ҳамда фаолиятининг ҳисобот даври учун молиявий натижалар ва солиқ базасини аниқлашда асосий манба ҳисобланади”.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни // <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги низом. – Т., 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Асосий фаолиятдан олинган даромадлар” номли 2-сонли БҲМС /Бюллетень “Все для бухгалтера”. – Т.: АбиАУ. 1-банд.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сонли БҲМС.
6. Абдусаломова Н. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш. (DSc) даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф 2019 й.
7. Каримов А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004 й. – 592 б.
8. Хасанов Б.А., Бабахалов Н.Э. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. - 106 бет.
9. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.д-ри (DSc). дисс...автореф. – Т., 2019. – 19 б.
10. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. – Т.: ФАН, 2005 й. - 198 б.
11. Познер Р. Теория монополии // Экономический анализ права / Пер. с англ. под ред. В. Л. Тамбовцева. — СПб.: Экономическая школа, 2004. Т. 1. С. 367-382.
12. <https://www.inventech.ru/lib/micro/micro>.
13. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Д.Ж. Бухгалтерский учёт: управленческий аспект – М.: Финансы и статистика, 2001. 651 с.
14. Арнс А., Лоббек Дж. Аудит. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 448 с. -С.49-51.
15. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996 г. – С.197-198.
16. Алборов Р.А. Управленческий учет в организациях АПК: монография. – Ижевск: ФГБОУ ВО Ижевская ГСХА, 2016 г. – 346 с.
17. Гадоев Э., Югай Л. План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности предприятий: рекомендаций по применению плана счетов с типовыми проводками. Методические пособие. Т.1. – Т.: Издат. дом «Мир экономики и права», 1997 г. –320 с., стр.168.
18. Хвостик Т.В. Практикум по бухгалтерскому (финансовому) учету: учеб. пособ. Россия. – М.: ФОРУМ, 2010. – 176 с.
19. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
20. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
21. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a24](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a24)

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Суюнова Зухра Баходир қизи -**  
Тошкент молия институти докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада аудитнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида асосий воситалар аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ўрганилган. Аудиторнинг бир қатор ишчи ҳужжатлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ҳамда аудиторлик таваккали хатарини баҳолашнинг услубий ёндашувлари акс этган. Шу билан бирга, муҳимлик даражасини аниқлаш, аудиторлик ҳужжатлари намуналарини шакллантириш масалалари асосий воситалар аудитини ташкил этиш ва ўтказишга янада оқилона ёндашиш имконини бериши хусусида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** асосий воситалар, аудиторлик далиллар, техник жиҳозлар, аудиторлик танлаш, аудит халқаро стандартлари, аудитнинг умумий режаси, асосий воситалардан фойдаланиш.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Суюнова Зухра Баходир қизи -

Ташкентский финансовый институт, докторант

**Аннотация.** В статье рассмотрены основные направления совершенствования аудита основных средств как одного из важнейших звеньев аудита. Предлагается использование ряд рабочих документов аудитора, приводятся методические подходы к оценке аудиторского риска, определение уровня существенности, формирование аудиторской выборки, позволяющее более рационально подходить к организации и проведению аудита объектов основных средств.

**Ключевые слова:** основные средства, аудиторские доказательства, техническая оснащенность, аудиторская выборка, общий план аудита, ритмичность работы основных средств.

## IMPROVING THE AUDIT OF FIXED ASSETS

Suyunova Zukhra Bakhodir qizi -

Tashkent Financial Institute

**Abstract.** The article considers the main directions of the co-management of the audit of fixed assets as one of the labor-intensive link of the audit. It is proposed to use a number of working documents of the auditor, provides methodological approaches to the assessment of audit risk, determination of the level of materiality, the formation of an audit sample, which allows a more rational approach to the organization and conduct of the audit of fixed assets.

**Keywords:** fixed assets, audit evidence, technical equipment, audit sample, general audit plan, rhythmicity of fixed assets.

**Кириш.** Замонавий иқтисодий тизимларнинг ривожланиши ташқи муҳитнинг ўзгачалиги ва беқарорлиги билан тавсифланган замонавий шароитда ижтимоий-иқтисодий институтларни ривожлантириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар орасида аудит алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда аудиторлик фаолияти молиявий ҳисоботлардан маъмурият, тегишлилиги бўйича томонлар ва манфаатдор фойдаланувчиларини ташкилотнинг маблағлари, мулк ва мажбуриятлари тўғрисида ишончли, сифатли ва объектив маълумот билан таъминлайдиган ягона воситадир.

Аудит бухгалтерия ҳисобининг барча соҳаларида ўтказилгани каби унинг алоҳида соҳаларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Хусусан, улар орасида асосий воситаларга нисбатан аудитнинг амалга оширилиши энг долзарб масалалардан биридир.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз қўлланилгани натижасида эскириши мумкин ва амортизация ҳисобига фойдаланилган муддат давомида дастлабки таннархини ишлаб чиқариш харажатларига тақсимлаш билан изоҳланади, бу эса ўз навбатида солиққа тортиладиган фойдага таъсир қилади. Кутилганидан ортиқ амортизация харажатлари солиққа тортиладиган фойдани камайтиради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Асосий воситаларни аудитини ташкил этиш ва ўтказиш усуллари бўйича иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги бўйича текширувлар ўтказиш нуқтаи назаридан очиб берилган, аммо бухгалтерия тизимини ўрганишдан бошланиб, самарадорлигини ошириш бўйича таҳлил ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан

яқунланиши лозим бўлган кенг қамровли аудитнинг хусусиятлари ошқор этилмаган. Шу сабабли ушбу тушунчаларга ва атамаларга ойдинлик киритиш мақсадида асосий воситалар аудитини ўз илмий ишларида ўрганган хорижий олимларнинг фикрларига тўхталиб ўтамиз.

Россия иқтисодчи олими Д.А. Юнусова томонидан “Асосий воситаларни аудитини асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларда қўлланиладиган асосий воситалар ҳаракати бўйича операцияларни ҳисобга олиш, солиққа тортиш усулининг норматив ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш. Демак, бу бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда асосий воситалар ишончли тарзда тузилган деган фикрнинг ифодасидир”, деб ҳисоблайди [3].

Бу илмий ёндашувни, А.Рахимбекова қўйидагича тулдиради: асосий воситалар аудити - асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишнинг таркиби, тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги ва ҳисобланган амортизациянинг ишончлилигини текшириш, корхонада қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш методологиясига мувофиқлигини аниқлаш. [4]

Иқтисодчи олим Р.С. Тохирова таҳрири остидаги молиявий-кредит луғатида “асосий воситаларнинг аудити- бу текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида ва унга ёзувларида акс эттирилган асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги тўғрисида асосли фикрни шакллантириш.” [5].

Е.Ю. Перяева томонидан “Асосий воситалар аудити хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишнинг муҳим қисмидир. Ишлаб чиқариш ҳисоботларини текширишда асосий воситалар аудитининг

ишончилиги ва корхонанинг мулкӣ ҳолатини баҳолашнинг ишончилигини ҳал қилувчи даражада аниқлайди”, деб талқин этган [6].

С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи каби олимларнинг таъкидлашларича, “асосий воситалар аудити-бу асосий воситалар ҳаракати бўйича операцияларнинг қонунийлигини текшириш ва бухгалтерия ҳисоботларида маълумотларнинг ишончилигини тасдиқлаш.”[7]

А.А. Голенконинг фикрича, асосий воситалар аудити кўп вақт талаб қиладиган ва кўп босқичли жараён бўлиб, унинг бошланиши текшириш дастурини тузишдир [8].

Иқтисодчи олим Л. А. Сивакова “Асосий воситалар аудитининг мақсади текшириладиган ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида акс эттирилган асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги тўғрисида оқилона фикрни шакллантиришдир”деб изоҳлайди [9].

Шунингдек, тадқиқотчилар В.В. Левина ва А.В. Сметанко “Асосий воситалар аудити аудиторлик далилларини тўплашга, шунингдек асосий воситаларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳисоб аппарати ишини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган бўлиши керак”, деб талқин этган[10].

В.Е. Печиеванинг фикрича, асосий воситалар аудити - бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия бўлими томонидан асосий воситаларни ҳисобга олишга қўйиладиган қонуний талабларга мувофиқлигини текшириш [11].


Шунингдек, Е. А. Касюк ва Е. В. Русина “Асосий воситалар аудити бу аудитнинг асосий босқичлари ва кетма-кетлиги, шунингдек аудиторлик ҳисоботи учун манбаларни аниқлаш ва маълумот тўплаш, аудиторлик далилларини

топиш ва уларни асосий воситаларни ҳисобга олиш билан боғлиқ аудиторлик ҳужжатларида тақдим этиш учун аналитик процедураларни қўллаш ва уларнинг кетма-кетлигини танлаб олиш”, деб изоҳлайдилар[12].

**Тадқиқот методологияси** Асосий воситалар аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва қиёсий солиштириш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Аудитнинг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири асосий воситалар билан боғлиқ операциялар аудити ҳисобланади. Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарда асосий воситалар ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил қилади, улар ёрдамида тайёр маҳсулотлар яратилади, ва хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситаларини оқилона бошқариш аудит жараёнлари мажмуасини ташкил этувчи самарали механизм мавжуд бўлгандагина самарали бўлиши мумкин. Асосий воситалар билан боғлиқ операциялар аудитининг мақсади ушбу объектларни сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, амортизация ва таъмирлаш фондига ажратмалар бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва ҳисобот тайёрлашнинг ишончилигини аниқлашдан иборатдир.

Бугунги кунда асосий воситалар аудитини ўтказишнинг кўплаб усуллари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, уларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро тажрибани жиддий ўрганиш ва уларни бошқариш масалаларини амалга татбиқ этиш зарур [2, С. 93].



1-расм. Асосий воситалар аудитини режалаштириш ва ҳужжатлаштиришнинг тавсия этиладиган босқичлари

Манба: Муалиф томонидан тузилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар билан боғлиқ операциялар аудитини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

1. Аудиторнинг иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш асосида аудиторлик ҳужжатлари технологияларини ишлаб чиқиш.

2. Аудиторлик текширувида рискни баҳолаш ва муҳимлик даражасини аниқлашнинг самарали методологиясидан фойдаланиш.

3. Таваккалчиликка асосланган аудит намунасини шакллантириш.

Асосий воситалар объектларини текшириш жараёнида аудитор аудиторлик ишини режалаштириш, амалга оширилган аудиторлик жараёнларининг табиати, муддати ва қўлами, уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни иш ҳужжатларида акс эттиради. Биз асосий воситаларни қуйидаги босқичларда ўтказишни тавсия қиламиз (1-расм).

Ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни такомиллаштириш мақсадида ишчи ҳужжат-

ларнинг қуйидаги шаклларида фойдаланишни таклиф этамиз: “Ички назоратни баҳолаш тести”, “Асосий воситалар аудити умумий режаси”, “Асосий воситалар аудити дастури”, “Асосий воситалар билан боғлиқ операцияларда юзага келиши мумкин бўлган бузилишлар таснифлагичи” “Аудиторлик текшируви давомида аниқланган хатоларни умумлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобининг текширилган қисми учун молиявий ҳисоботнинг ишончилигига таъсирини ўрганиш”.

Ҳозирги вақтда корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторлар кўпроқ фақат бош режа ва дастурга таяниб иш кўрадилар, унда асосий воситаларнинг аудит бўлими қисқартирилган шаклда тақдим этилган ва аудит давомидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги акс эттирилмаган. Шу сабабли, бевосита асосий воситаларни текшириш режасини ишлаб чиқиш зарур. 1-жадвалда асосий воситалар аудитининг намунавий режаси келтирилган.

1-жадвал

**Асосий воситалар аудитининг намунавий режаси**

№	Асосий воситалар аудитини асосий босқичлари
1.	Текширишни таййоргарлик босқичи
2.	Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва хавфсизлигини аудити
3.	Асосий воситаларни қабул қилиш ва тасарруф этиш аудити
4.	Асосий воситалар учун амортизацияни тўғри ҳисоблаш аудити
5.	Асосий воситалар бўйича солиққа тортишнинг аудити
6.	Якуний текшириш босқичи

Манба: <https://scienceforum.ru/2012/article/2012000743>

Аудит режасида асосий воситаларни текшириш йўналишлари ҳисобга олиниши керак. Тузилган режага таяниб, асосий воситалар аудити дастури тузилади ва у ишлаб чиқилган режанинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Асосий воситалар аудитида муҳимликни баҳолаш масаласи алоҳида молиявий ҳисоботларни ўз ичига олган аниқ базани танлаш ва муҳимликнинг миқдорий меъзони, яъни рухсат этилган максимал хато қийматини ҳисоблаш усули ҳисобланади. Асос сифатида, бизнинг фикримизча, №1 шакллар бўлади - айланма маблағлар (190-қтр), шахсий капитал (490-қтр) ва баланс валютаси (300-қтр); 2-шаклдан - сотиш ҳажми, ҚҚСни ҳисобга олмаганда (010-қтр), сотиш қийматидир. Аудиторга паст ва жуда юқори даражадаги муҳимликни қўллаш тавсия этилмайди. Яъни, муҳимлик даражаси паст бўлса, аудит кўпроқ вақтни олади, юқори даражада эса камроқ текширувлар ўтказилади.

Аудиторлик рискин ва асосий воситалар билан операцияларнинг муҳимлик даражасини баҳолаш муаммоси билан бир қаторда аудиторлик танлашни ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. 530-сонли “Аудиторлик танлаш” халқаро стан-

дартда аудиторлик текшируви давомида танлаб текширишларни ўтказиш тартибини, шунингдек, якуний мақсади аудиторлик далилларини тўплаш бўлган элементларни танлаш воситаларини белгилайди. Танловни шакллантириш учун аудитор шартли равишда иккита компонентга бўлинадиган усуллардан фойдаланади: статистик ва ностатистик. [13]

Танлашга статистик ёндашув элементларни тасодифий танлашдан фойдаланиш ва танлама натижаларини баҳолаш учун эҳтимоллик назариясини қўллаш билан тавсифланади. Ностатистик танлаш усуллари деганда аудиторни текшируви натижаларни ифодалаш учун статистик усуллардан фойдаланмайдиган услуб тушунилади [1, 158-бет].

Хулоса чиқаришга танлаш ҳажмини йўл қўйилган хатоликлар ҳажмдан камроқ бўлиши, аудитор учун кўпинча муҳим аҳамиятга эга эмас. Бунинг учун кутилаётган оғишлар миқдорининг кўрсаткичларини аниқлашнинг илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатдики, асосий воситалар бў-

йича аудиторлик текширувининг предмети аудиторлик назорати нуқталари ва уларнинг маълумотлар манбалари билан боғлиқ бўлган асосий воситаларни текширишнинг умумлаштирувчи ва алоҳида кўрсаткичлари тизими бўлган ахборот базаси ҳисобланади. Янги аудит объектларини аниқлаш аудитор томонидан ишончли аудиторлик далилларини тўплаш, уларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида, ҳисоботларда ва бирламчи ҳужжатларда мавжуд бўлган бошқа маълумотлар билан солиштириш, аудиторлик текшируви маълумотлар базасини ташкил этувчи ва ҳисоботнинг ишончилигига таъсир қилувчи қўшимча кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар ва таклифлар чиқариш мумкин:

1. Асосий воситалар - ишлаб чиқариш воситалари таркибига киради, улар меҳнат воситаларида сезиларли даражада ахамиятга эга, узоқ вақт давомида ўзининг табиий шаклини сақлайди, таннархни маҳсулотга қисмларга бўлиниб ўтказиши ва бир неча ишлаб чиқариш циклидан кейингина қопланади. Асосий воситаларнинг таркиби деганда, асосий воситалар гуруҳининг ҳар бирининг умумий қийматидаги қисми ёки улуши тушунилади; корхонанинг

молиявий ҳолати, рақобатбардошлиги асосий воситалардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Асосий воситаларнинг оқилона таркиби, улардан самарали фойдаланиш, маҳсулотларнинг техник даражаси, сифати ва мустаҳкамлигига таъсир қилади.

2. Ички назоратни ички аудит таъминлаши мумкин. Аудиторлик хизмати бошқарув аппаратининг мустақил бўлинмаси бўлиши ва фақат ташкилот раҳбарига бўйсунуши керак. Уни яратиш факти ишчи операцияларини қайта ишлаш, бирламчи ҳужжатлар ва аналитик регистрларни тузиш, технологик жараёнлар ва бошқа операцияларни амалга ошириш устидан тегишли назоратни таъминлаш бўйича барча хизматларнинг лавозим тавсифларини ўзгартиришга олиб келиши мумкин. Ички стандартларни ишлаб чиқиш ва услубий кенгаш ишида иштирок этиш учун корхона фаолиятида иштирок этмайдиган мутахассисларига рухсат берилиши мумкин.

3. Халқаро аудит стандартларини киритиши, тартибга солишнинг иқтисодий механизмини жорий этишга ёрдам бериши ва уни амалга оширишнинг услубий асосини яратиши керак.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лосева А.С., Фецович И.В. *Учет и аудит материально-производственных запасов в сельскохозяйственных организациях. Инновационные процессы: потенциал науки и задачи государства: монография / под общ. ред. Г. Ю. Гуляева.* – Пенза: Наука и Просвещение, 2017.- С. 157-166
2. Лосева А.С., Фецович И.В. *Развитие экологического учета на предприятиях масложировой промышленности АПК. // Продукты здорового питания, 2017.-№2(16).* – С.92-99.
3. Юнусова Д.А. *Аудит основнқх средств. //Бухгалтерский учет, анализ и аудит, 2017*
4. Рахимбеков А.А. *Аудит основнқх средств. //Бухгалтерский учет, управленческий учет и аудит, 2015.*
5. Тохирова Р.С. *Внутренний аудит основнқх средств. //Аудит и финансовқй анализ №1. 2015.*
6. Перяева Е.Ю. *Особенности аудита основнқх средств.// Международная научная конференция, 2018.*
7. С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р.Шмалензи. *Эсопотис. Пер. со 2-го англ.изд. – М.: Дело ЛТД, 1995.-864с.*
8. Голенко А.А. *Методика проведения аудита основнқх средств в коммерчнских организациях. // Science of Europe № 12, 2017.*
9. Сивакова Л.А. *Методика проведения аудита основных средств. // Молодой ученый №12(59), 2013.*
10. Левина В.В., Сметанко А.В. *Методические основы проведения аудита основных средств. // Молодой ученый №12(116), 2016.*
11. Печиева В.Е. *Аудит операций с основными средствами. // Современный предприниматель, 2020.*
12. Касюк Е.А., Русина Е.В. *К вопросу о методике аудита учета объектов основных средств Novalinfo 116, 2020.*
13. Лосева А.С. *Совершенствование методики аудита основных средств в коммерческих предприятиях. // KANT. №1 (26) 2018.*
14. Головина Г.А. *Амурский государственный университет. Методика планирования аудита основных средств <https://scienceforum.ru/2012/article/2012000743>*